

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАФАРОВ БОТИР САТТАРОВИЧ**

**«КОДЕКС КУМАНИКУС» – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЁЗМА ОБИДАСИ**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on philological sciences**

<b>Жафаров Ботир Саттарович</b> «Кодекс куманикус» – туркий халқлар ёзма обидаси.....	3
<b>Жафаров Ботир Саттарович</b> «Кодекс куманикус» – письменный памятник тюркских народов.....	21
<b>Jafarov Botir Sattarovich</b> «Codex Cumanicus» – written monument of Turkic peoples.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАФАРОВ БОТИР САТТАРОВИЧ**

**«КОДЕКС КУМАНИКУС» – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЁЗМА ОБИДАСИ**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.116 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Боқижон Тўхлиев**

филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қосимжон Содиқов**

филология фанлари доктори, профессор

**Отабек Жўрабоев**

филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2017 йил соат \_\_. \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16 уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16 уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.Ш.Омонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

**Қ.Ш.Омонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон илмий жамоатчилигида аждодларимиз даҳоси билан яратилган қадимий ёзма обидаларни тадқиқ этишга қаратилган ишлар кўлами кун сайин ортиб бормоқда. Бизнинг ота-боболаримиз қолдирган бой маданий меросни ўрганиш, уни келажак авлодларга етказиш нафақат юртимизда, балки дунё олимлари ва уларнинг ворислари олдидаги муҳим масала бўлиб қолмоқда. Зеро, ҳар бир халқнинг бугунги тараққиёти ва эртанги кунининг маданий мероси ҳамда аждодлари қолдирган анъаналари ва қадриятлари асосида мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ барча жабҳалар каби маданият, санъат ва адабиёт соҳаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Турли мамлакатлар кутубхоналарида сақланаётган аждодларимиз даҳоси билан яратилган ёзма ёдгорликларни қидириб топиш ва уларни тадқиқ этиш, шу асосда халқимизни миллий қадриятларимиз, ўтмиш аждодларимиз қолдирган бой маданий меросимиз йўғрилган адабиётлар билан таништириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий-маънавий ўзликка эга бўлиш, маданий меросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракат»<sup>1</sup> сифатида устувор стратегик йўналиш ўлароқ илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда.

Дунё шарқшунослигида жаҳон адабиёти ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, XI асрнинг икки буюк обидаси: Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғот ит-турк” асарлари ҳақли равишда қайд этилади. Уларнинг ёнида XIV асрда яратилган адабий ёдгорликларимиздан яна бири “Кодекс куманикус” ҳам бор. Ушбу ноёб асарларда олға сурилган ғоя ва мавзулар ҳамиша ўз бадиий жилоси билан башариятни мафтун қилади, бадиий тасвирдаги ўзига хослик киши ҳайратини оширади, уларнинг саҳифаларида акс этган нодир бадиий кашфиётлар, нозик туйғулар тасвири инсонга завқ бағишлайди. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда уларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги 406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сон Қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль. № 28 (6722)

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** “Кодекс куманикус”ни тадқиқ этиш, унинг тил аспектларини ва сўзларининг ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, асардаги график хусусиятларни ва сўзларнинг лексик ўзига хосликлари билан боғлиқ тадқиқотларнинг амалга оширилишида жаҳон туркийшунос олимлари баракали меҳнат қилишган. Бу борада Ю.Клапрот, Г.Куун, В.Радлов, В.Банг, Ю.Немет, А.Самойлович, Д.Расовский, С.Малов, К.Гронбеч, Г.Гиорфи, А.Куришжанов, А.Габайн, А.Титце, Д.Мончизода, А.Бодроглигети, В.Дримба, А.Чеченов, Д.Дрюлл, Л.Лигети, А.Пиемонтесе, А.Гаркавец, М.Аргуншах, Г.Гўнер, М.Салан, Ф.Шмайдерларнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик<sup>2</sup>.

Ҳозирги пайтга келиб, жаҳон туркийшунослигида бир қатор жиддий тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан, “Кодекс куманикус” қўлёзмасини тадқиқ этиш ишлари энг долзарб ва етакчи мавзулардан бири бўлиб турибди. Кейинги йилларда қўлёзма тадқиқи бўйича Ўзбекистонда ҳам

---

<sup>2</sup> Klaproth J. Vocabulaire latin, persan et coman de la bibliothèque de Francesco Petrarca // Mémoires relatifs à l'Asie, contenant des recherches historiques et philologiques sur les peuples de l'Orient, par... – Paris, 1828. – Т. 3. – P. 122-254; Kuun G. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. – Budapestini, 1880; Radloff W. Das türkische Sprachmaterial des Codex Cumanicus. – SPb., 1887; Bang W. Beiträge zur Kritik des Codex Cumanicus // Bull. Acad. Belg. – 1911a. – Т. 1. – S. 13-40; Bang W. Über die Rätsel des Codex Cumanicus // Sitzungsberichte Preus. Akad. Wiss. Phil.-hist. Klasse. – 1912b. – S. 334-353; Németh J. Die Rätsel des Codex Cumanicus // Ztschr. Deutsch. Morgenland. Gesell. – 1913. – B.47. – S. 577-608; Самойлович А.Н. К истории и критике Codex Cumanicus / Докл. Рос. Акад. наук. – 1924. Стр. 86-89; Расовский Д.А. О происхождении Codex Cumanicus // Seminarium Condacovianum. – Praha, 1929, t. III; Малов С.Е. К истории и критике Codex Cumanicus // Изв. АН СССР. Отд. гуманитарных наук. 1930. Стр. 347-375; Grønbech K. Codex Cumanicus: Cod. Marc. Lat. DXLIX in Faksimile herausgegeben mit Einleitung von... – Kopenhagen, 1936a; Grønbech K. Der Türkische Sprachbau. – Kopenhagen, 1936b; Grønbech K. Komanisches Wörterbuch: Türkischer Wortindex zu Codex Cumanicus. – Kopenhagen, 1942; Györfy G. Autor du Codex Cumanicus // Analecta Orientalia memoriae Alexandri Csoma de Körös dedicata. – Budapest, 1942. – Т. 1. – P. 3-30; Курышжанов А. Формы и значения падежей в языке «Codex Cumanicus»: Автореф. канд. дисс. – Алма-Ата, 1956; Курышжанов А.К. Язык старокыпчакских письменных памятников XIII-XIV вв.: Автореф. докт. дисс. – Алма-Ата, 1973; Gabain A., von. Die Sprache des Codex Cumanicus // Philologiae Turcicae Fundamenta. – Wiesbaden, 1959. – Т. 1. – S. 46-73; Gabain A., von. Komanische Literatur // Philologiae Turcicae Fundamenta. – Wiesbaden, 1964. – Т. 2 – S. 213 -251; Tietze A. The Koman Riddles and Turkic Folklore. – Berkeley, 1966; Monchi-Zadeh D. Das Persische im Codex Cumanicus. – Uppsala univ., 1969; Bodrogligeti A. The Persian Vocabulary of the Codex Cumanicus. – Budapest. 1971; Drimba V. Syntaxe Germane. – Bucuresti; Leiden, 1973; Чеченов А.А. Язык памятника «Codex Cumanicus» (14 в.): В ареальном освещении. – М., 1978; Чеченов А.А. Язык «Codex Cumanicus» и его отношение к современным западнокыпчакским языкам: Автореф. канд. дисс. – М., 1979; Drüll D. Der Codex Cumanicus: Entstehung und Bedeutung. – Stuttgart, 1980; Ligeti L. Prolegomena to the Codex Cumanicus // Codex Cumanicus / Ed. by Geza Kuun. – Budapestini, 1981. – P. 1-54; Piemontese A.M. Le glosse sul vangelo persiano del 1338 e il Codex Cumanicus, In Miscellanea Bibliothecae Apostolicae Vaticanae VIII, 2001. – P. 313-349; Гаркавец А.Н. Codex Cumanicus: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII-XIV веков. – Москва: Рус. деревня, 2006; Гаркавец А.Н. Венецианская рукопись Codex Cumanicus, ее новое прочтение и издание. – Астана, Каз. нац. акад. библиотека, 2015; Argunşah M., Güner G. Codex Cumanicus. – Istanbul, Kesit Yay. 2015; Salan M. Codex Cumanicus ve ermeni harfli kipçak türkçesinde fiil yapımı. Gazi üniversitesi. – Temmuz 2016.

бир катор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, М.Жўраева, Ш.Абдиназимовлар томонидан ҳамда тадқиқот жараёнида нашр этилган ишлар шулар жумласидандир<sup>3</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети Инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг 2014 йил 30 декабрда тасдиқланган “Ўзбек адабиётини хорижда ўрганиш ва таржимашунослик масалалари ҳамда чет тил таълими муаммолари” мавзусидаги комплекс илмий тадқиқотлар йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** “Кодекс куманикус”ни туркий халқларнинг муштарак ёзма обидаси сифатида яхлит ҳолдаги тарихий-филологик баҳосини бериш ва унинг матний таҳлилини амалга оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туркий халқлар тарихида алоҳида ўрин эгаллаган “Кодекс куманикус” кўлёмасининг адабий тил тақомилидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

ёдгорликнинг топилиши ва ўрганилиш тарихини танқидий таҳлил этиш;

кўлёмма идентификацияси борасидаги хилма-хил фикрларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли хулосалар чиқариш;

унинг мазмун хусусиятлари, тузилиши ва таркибини ҳозиргача эришилган асосий хулоса ва натижалар асосида комплекс таҳлил қилиш;

асарнинг фонетик ва график ўзига хосликларини ёритиш;

ёдгорликдаги куманча сўзлар мажмуини қадимги туркий тил ҳамда ҳозирги ўзбек тили луғат таркиби билан генетик алоқаларини таҳлил қилиш;

ёдгорликда берилган энг қадимги туркий топишмоқларнинг ўзбек тилидаги табдилларини амалга ошириш;

кўлёммадан ўрин олган куман тили грамматикасига ёзилган лотинча изоҳларни таржима қилиш ва уларни илмий муомалага киритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Кодекс куманикус”нинг Италиянинг Венеция шаҳридаги Марчана миллий кутубхонасида сақланаётган асл нусхаси, Флоренция шаҳридаги Лоренцо ди Пьеро де Медичи номидаги миллий кутубхонасида сақланаётган яна бир нусхаси ҳамда улар бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари асос қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети.** XIII–XIV асрларда куман тили асосидаги кўп тилли луғатнинг юзага келиши, уни идентификациялаш ҳамда манба сифатида умумфилологик таҳлилдан ўтказиш ишнинг асосий предмети ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, ретроспектив (ўтмиш нуқтаи назаридан қараш), экстраполяция (нарса ва ҳодисаларнинг бир

<sup>3</sup> Curayeva M. “Kodeks Kumanikus”ta bilmeceleer ve Özbek folkloründeki şekilleri. Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi / Journal of Turkish World Studies, XI/1 (Yaz 2011), s.25-32; Абдиназимов Ш. «Кодекс Куманикус» естелиги ҳам оның қарақалпақ тилине қатнасы // Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти. Фан ва Жамият илмий-услубий журнали. – Нукус, 2014; Жафаров Б. Дашти Қипчоқда яратилган лотинча-форсча ва куманча луғат. Шарқ машғали. 1-сон. – Тошкент, 2015; Жафаров Б. “Кодекс Куманикус” – куманча луғат. ЎзМУ хабарлари. 1/4-сон. – Тошкент, 2015; Жафаров Б. “Кодекс Куманикус” топишмоқларининг ўзига хос хусусиятлари. ЎзМУ хабарлари. 1/2-сон. – Тошкент, 2016; Jafarov Botir. History of the second seal or the other copy of the «Codex Cumanicus» // Uluslararası Türkçe Edebiyat Kültür Eğitim Dergisi Sayı: 6/2 2017 s. 638-643, – Türkiye.

қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш) каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:**

Ўзбек тилининг ривожланиши тарихида “Кодекс куманикус” таркибидаги сўзларнинг илмий аҳамияти, уларнинг бошқа туркий адабиётлардаги сўзлар билан генетик алоқалари, хусусан, ёдгорликнинг куманча сўзларидан 780 дан ортиғининг ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси билан уйғунлиги аниқланиб, ёдгорликнинг график тизими янги ашёвий далиллар асосида исботланган;

ёдгорликдаги мавжуд топишмоқларнинг жаҳон туркийшунослигидаги баъзи версия ва вариантлари ҳамда қиёсий-типологик таҳлиллари асосида уларнинг ўзбек тилидаги илк илмий табдиллари яратилган;

туркийшунослик тарихида илк марта куман тили грамматикасига оид лотин тилидаги илмий маълумотлар ва изоҳлар илмий муомалага киритилди, уларнинг ўзбек тилидаги таржималари амалга оширилган;

қўлёзманинг топилиш ва ўрганилиш тарихига алоқадор бўлган айрим чалкашликларга, унинг Италия кутубхоналарига тушиб қолиши билан боғлиқ тарихий фактларга аниқлик киритилган;

асарнинг биринчи қисмини ёзишда иштирок этган, аммо шу пайтгача эътибордан четда қолиб келаётган бир неча хаттотлар фаолияти, қўлёздаги айрим хато ва камчиликларнинг юзага келиш сабаблари янги фактлар асосида далиланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Диссертация ишининг амалий натижалари қуйдагилар билан белгиланади:

ёдгорликнинг яратилиши ва топилиши билан алоқадор бўлган тарихий саналарга аниқлик киритилди;

қўлёзmani идентификациялаш борасида хусусан, яратилиш манзили, санаси, уни яратишда иштирок этган субъектларнинг сони, уларнинг ўзига хослиги янги факт ва далиллар асосида исботлаб берилди;

ёдгорликнинг график тизими қайта таҳлилдан ўтказилди ва бунинг натижасида бутун ёдгорликка хос бўлган график фонднинг нисбатан тўлиқ ва мукамал манзараси яратилди;

луғат таркибидаги куманча сўзларнинг қадимги туркий ва ҳозирги ўзбек адабий тили билан қиёсий таҳлили амалга оширилди;

ёдгорлик таркибида мавжуд бўлган барча тилларга мансуб сўзлар биринчи мартаба комплекс таҳлилга тортилди ва натижада бир қатор янги илмий хулосалар чиқариш имконияти пайдо бўлди;

ёдгорликдаги куманча сўзлар мажмуини қадимги туркий ҳамда ҳозирги ўзбек тили луғат таркиби билан генетик алоқаларини таҳлил қилиш натижасида 780 дан ортиқ сўзлар орасидаги тўлиқ уйғунлик белгиланди;

ёдгорликда берилган қадимги туркий топишмоқларнинг ўзбек тилидаги табдиллари амалга оширилди;

куман тили грамматикасига ёзилган лотинча изоҳлар илк мартаба ўзбек тилига таржима қилиш асосида илмий муомалага киритилди;

шу пайтгача ёдгорлик матнини ўқиш билан боғлиқ бўлган кўпгина мавҳумлик ва хатоликлар бартараф этилди.

Тадқиқот материалларидан матншунослик ва адабий манбашунослик, қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик, таржима назарияси ва амалиёти, лексикография ҳамда туркий тил фонетикаси ва фонологияси каби масалаларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Муаммонинг аниқ қўйилгани, хулосаларнинг назарий қарашлар ҳамда амалий факт ва далилларга, ишончли назарий манбалар ҳамда луғатларга таянилгани, тарихий-қиёсий, контекстуал ва комплекс тахлиллардан фойдалангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг қадимий манба ва матнларга боғлиқ бўлган тадқиқотларни амалга оширишда назарий манба ролини адо этиши мумкинлиги билан белгиланади. Ундаги айрим хулосалардан мазкур соҳа бўйича яратиладиган монография ва рисоаларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги кўпгина мулоҳаза ва хулосалардан олий ўқув юртлари хорижий ва шарқ филологияси факультетларидаги адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, жаҳон адабиёти, матншунослик ва адабий манбашунослик, мумтоз шарқ матнлари стилистикаси, туркий тиллар филологиясига кириш, қадимги туркий тил, лексикография ва лексикология, туркий тиллар грамматикаси сингари фанларнинг маъруза ва семинар машғулотларини илмий-назарий жиҳатдан кучайтириш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг назарий ва амалий қисмларини янги факт ва материаллар билан бойитишга бевосита ҳисса қўшиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Кодекс куманикус” қўлёзмаси тадқиқига оид асосий хулосалар, хусусан, унинг топилиши, фонетик ва график белгиларига боғлиқ янги талқинлар, турли тиллардаги таржималарга оид кузатишлардан Европа Иттифоқининг «Эрасмус+» дастури «Key action 1» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Codex Cumanicus – monument of Turkic people» номли грантида фойдаланилган (Confirmation of implementation: Project title: ERASMUS +/KA1 HIGHER EDUCATION. Project nr. 2015-1-IT02-KA107-014705; duration of project: from 15/09/2016 to 14/12/2016). Натижада лойиҳа доирасида Европа фондларида сақланаётган “Кодекс куманикус” қўлёзмаларини аниқлаш ва уларни ҳар томонлама тадқиқ этиш имконияти яратилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № 292-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Адабиёт музейи экспозициялар бўлимида асарнинг топилиши ва ўрганилиш тарихи, унинг ўзбек фольклоридаги аҳамиятини ёритиб беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2017 йил 10 октябрдаги 3/1255-2070-сон маълумотномаси). Экспозицияга қўйилган

кўлёзма асар бўйича келгусида амалга ошириладиган кўплаб тадқиқотларга муҳим манба ва асос бўлиб хизмат қилган;

диссертациядаги туркий халқларнинг ёзув маданиятини, туркий адабиётнинг тарихини, топишмоқ жанри ҳақидаги қадимий тасаввурларни бойитувчи маълумотлар ва материалларидан Наманган вилоят телевидениесининг 2017 йил 13 январдаги “Тулдиёрим, Наманган” дастурида туркум кўрсатувлар тайёрлашда фойдаланилган (Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 13 февралдаги 08-02-96-сон маълумотномаси). Натижада кўлёмани ҳар жиҳатдан нодир ва ноёб адабий мерослар қаторига қўшишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, “Адабий таълим ва ёшлар тарбияси” (Тошкент, 2010; 2012); “Тил ва адабиёт таълимининг долзарб муаммолари” (Тошкент, 2011); “Филология масалалари” (Наманган, 2011); “Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш” (Тошкент, 2014); “Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактаблари (Маҳмуд Замахшарийнинг 940 йиллигига бағишланган)” (Тошкент, 2015); «Modern approaches and Methods of teacher training» (Германия, 2015); «International European Conference on Languages, Literature and Linguistics» (Австрия, 2015); “Чет тил ўқитишда инновацион технологиялар ва филология масалалари” (Наманган, 2016, 2017) каби республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан, 7 таси республикада ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги асосланган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар натижалари умумлаштирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, уларнинг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Кодекс куманикус**» – **тарихий-филологик манба**» деб номланган биринчи бобида ёдгорликнинг топилиши ва ўрганилиш тарихи, унинг тузувчилари ва ёзилган манзили асарда дунё туркийшунос олимлари

томонидан бугунги кунгача ўз ечимини топмай келаётган муаммоли ҳамда жуда кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган омиллар таҳлил этилган.

“Тарихий манбалардан маълумки, Сирдарёнинг юқори оқими ва Тангритоғ тизмаларининг ғарбий ёнбағирларидан Днепр, Дунай, Дон ва Волга дарёларининг қуйи оқимига қадар ёйилган даштлар XI–XV асрларга оид араб ва форс манбаларида Дашти Қипчоқ деб тилга олинади. Дашти Қипчоқ аҳолиси шарқ манбаларида – кипчоқлар, рус солномаларида – половецлар, Византия хроникаларида – куманлар, венгер манбаларида – хунлар деб аталган”...

Дашти Қипчоқнинг шарқий ўлкалари XIV аср иккинчи ярмидан тарихий манбаларда “Ўзбеклар диёри”, “Ўзбеклар эли” номи остида тилга олина бошлайди”<sup>4</sup>.

Ўша даврдаги Дашти Қипчоқни бевосита ўз кўзи билан кўрган Ибн Баттутанинг гувоҳлик беришича, бу ўлкада кипчоқлар, черкеслар, руслар ва византияликлар ҳам истиқомат қилишган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги мана бу мулоҳазаларни умумий асос сифатида қабул қилиш мумкин: «Қипчоқлар – туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қипчоқлар нафақат ўзбек халқи энтогенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар – қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, олтойликлар ва шимолий Кавказдаги айрим халқлар (нўғай, кўмик, қорачойлар ва б.) шакилланишида муҳим роль ўйнаган»<sup>6</sup>.

*Половец, қипчоқ, куман* ва *қун (хун)* терминларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида И.Добродомов томонидан эълон қилинган мақолада жуда қизиқарли ва қимматли маълумотлар келтирилган. Унда жумладан, шундай дейилади: «половец» атамаси «сарик», «рангпар» маъноларини ифодалаб келган бўлиб, бу, ўз навбатида, уларнинг ташқи кўриниши, танасининг ёки бўлмаса, сочининг ранги билан боғлиқ ҳолда ифода этилади. Бу термин рус манбаларида – *половецлар*, полякчада – *plavci*, венгерчада – *polocz(ok)*, шарқий славянларда немисчадан ўзлашган – *Val(e)we(n)* тарзида учрайди. *Половец* термини *поле* (дала-дашт) маъносини ифодалаб келиши тўғрисидаги қарашлар бугунги кунгача ҳам мавжуд»...

Рус солномаларида учрайдиган *қуманлар* термини латин манбаларида *сипан, сопан* шаклида намоён бўлади. В.Бартольднинг ёзишича, куманлар номи мусулмонларнинг XII асрлардан олдинги адабиётларида учрамайди. Аделунг, Бретшнайдер, И.Березин каби олимлар *қуман* этноними *Қума* дарёси номи билан боғлиқ гидроним эканлигини эътироф этишган... П.Голубовский *қуман* сўзи туркий тилдаги *қун* «қуёш» + *мән* «ўхшаш» маънони билдириши тўғрисида фикр юритган. Д.Иловайскийнинг фикрича, *қуманлар* даштликлар бўлиб, бу русча *половец* терминининг айнан таржимасидир. *Қум* термини татарча қумли даштда яшовчи халқларнинг айни номидир. Ю.Немат куман этник ном бўлиб, у бошқа туркий халқларда *қубанлар* ва *қуманлар* тарзида

<sup>4</sup> Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. 491-493-бетлар.

<sup>5</sup> Ибн Баттута. Саёҳатнома. – Тошкент “Шарқ” нашриёти 2012. 333-354-бетлар.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент. 2005. 10-бет

сақланиб қолганини айтиб ўтган»<sup>7</sup>. Бу фикрга тўла қўшилган ҳолда айтиш жоизки, бу сўз қуманчага эмас, балки қуманчадан таржима қилингандир.

Биз тадқиқ этаётган обида мана шу муҳитда яратилганини таъкидлаш жоиз. У XIV аср бошларида лотинча-форсча-қуманча ва қуманча-немисча, қуманча-лотинча сўзларни ўзида мужассам этган луғат ҳамда христиан монахлари томонидан қуман тилига таржима қилинган диний мадҳия ва дуолар, энг қадимги туркий топишмоқлардан таркиб топган қўлёзма сифатида юзага келган.

Мазкур ёдгорлик қадимги туркий қўлёзмалар ичида лотин ёзувида битилган ягона тематик луғатдир. Бугина эмас, унинг таркибида 47 та энг қадимий туркий топишмоқларнинг ёзиб қолдирилган намуналари ҳам мазкур қўлёзманинг нафақат луғатшунослик, балки халқ оғзаки ижоди назарияси ва амалиётини янги факт ва матнлар билан бойитади. Муҳими, улар нодир ва ҳали ҳеч бир манбада учрамаган топишмоқлардир. Улар туркий топишмоқларнинг ёзма тарзда ўз аксини топган йирик гуруҳи эканлиги билан ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Обида график ва тил хусусиятига кўра икки қисмдан иборат: биринчи қисми учустун шаклидаги лотинча-форсча-қуманча луғатдан ташкил топган. Иккинчи қисми эса немисча-қуманча луғатлардан, христиан динидаги дуо ва мадҳияларнинг қуман тилидаги таржималари ҳамда юқорида тилга олинган энг қадимий туркий топишмоқлардан таркиб топган.

Қўлёзманинг асл нусхаси бугунги кунда Венециядаги Марчана миллий кутубхонасида DXLIX (№549) каталог рақами билан рўйхатга олинган, у №1597 хона рақами билан сақланади.

Ёдгорлик «**In hoc libra continentur Persicum et Comanicum per alfabetum**» («Алифбо тарзидаги форсча ва қуманча китоб») деб номланган.

Ушбу қўлёзма тўғрисида биринчи бўлиб италиялик олим Якоби Филиппи Томасини маълумот берган. У ўзининг 1635 йилда нашр қилган «Петрарка ҳаёти ва ижоди» номли асарида Петрарка қолдирган адабий мерос орасида «Alphabetum persicum, comanicum et latinum. Anonymi, scriptu anno MCCCIII die XI Julij», яъни «1303 йил 11 июль санасида ёзилган алифбо тарзидаги форсча-қуманча ва лотинча луғат» топганини айтиб ўтади ҳамда қўлёзманинг дастлабки тўққиз қаторини нашр қилади.

Филиппи Томасинининг қайд этишича, мазкур қўлёзма 1362 йилда Италия уйғониш даврининг машҳур шоири Франческо Петрарка (1304–1374) томонидан бошқа асарлар билан биргаликда Венеция кутубхонасига совға қилинган. У бу маълумотни муқаддас Георгий ибодатхонаси тарихини ёзувчилардан бири бўлган аббат Ульмодан олган<sup>8</sup>.

Филиппо Томасини маълумотидан сўнг юз йилдан кўпроқ вақт ўтиб, олимлар қўлёзма тадқиқи билан қизиқа бошладилар. 1768 йилда немис олими Вильгельм Лейбниц қўлёзmani Венеция кутубхонаси каталогидан топишга муваффақ бўлади. Орадан бир йил ўтиб, 1769 йилда эса, венгриялик тарихчи

<sup>7</sup> Добродомов И.Г. О половецких этнонимах в древнерусской литературе // Тюркологический сборник 1975. – Москва, 1978. Стр. 108-114.

<sup>8</sup> Радлов В. Язык Кумановъ по поводу изданія куманскаго словаря – Санкт-Петербург. 1884. 3 стр.

олимлар Даниел Корнидес ҳамда Жозеф Телекилар Венецияга ташрифлари чоғида кўлёмани тадқиқ қилишга киришадилар ва унинг дастлабки 22 саҳифасини кўчириб олишади<sup>9</sup>. Кўчириб олинган нусха тўғрисида Будапешт кутубхоначиси Жорж Прейга маълум қилишади. Шундан сўнг кўлём тадқиқи билан шуғилланиш бир мунча муддатга тўхтаб қолади.

1828 йилга келиб немис шарқшунос олими Юлиус Генрих Клапрот томонидан кўлёмнинг биринчи қисми французча изоҳлар, арабча транскрипция ва тўлдиришлар билан нашр этилади.

1880 йилда Гомес Геза Куун, 1881 йилда Паул Хунфалви, 1884 йилда Василий Радлов, 1930 йилда Сергей Малов, 1891 йилда Эмилио Тезалар асар тадқиқи билан жиддий шуғилланишди.

XX аср бошига келиб «Кодекс куманикус» тадқиқи билан шуғулланиш учун жуда кўплаб олимлар бел боғлашди. Жумладан: 1910 йилда Карл Залеман, 1911 йилда Севериан Салавилле, 1912 йилда Вильям Банг, орадан бир йил ўтиб эса, Юлий Немет, 1916 йилда Нежип Асим, 1924 йилда А. Самойлович, 1929 йилда Дмитрий Расовский 1942 йилда Гиоргий Гиорфи, 1950 йилда Анания Зажасковский, 1959 йилда Аннамария Фон Габин, 1966 йилда Андрес Тиетза, 1969 йилда Давуд Мончизода, 1971 йилда А. Бодроглигети, 1979 йилда Дагмар Дрюлл, 1981 йилда Лайос Лигети, 1987 йилда Александр Гаркавец, 2000 йилда Владимир Дринбалар томонидан тадқиқ этилди.

Жаҳон туркийшунослигида бир қатор олимлар томонидан «Кодекс куманикус» бўйича номзодлик ва докторлик ишлари амалга оширилган. Масалан: 1920 йилда татаристонлик олим Бекир Ваапович Чўпонзода «Кодекс куманикусдаги унлилар гармониясининг бузилиши» номли докторлик диссертациясини Будапешт университетиде ҳимоя қилган бўлса, 1956 йилда қозғистонлик олим Абжан Қуришжонов «Кодекс куманикус тилидаги келишиқ кўшимчаларининг шакл ва мазмуни» номли номзодлик диссертациясини ҳамда 1973 йилда «XIII-XIV асрдаги қадимий қипчоқ тили ёзма обидалари» номли докторлик диссертацияни, яна бир татаристонлик олим Али Чеченов 1979 йилда «Кодекс куманикус ва унинг ғарбий қипчоқ тиллари билан алоқаси» номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

«Кодекс куманикус» тадқиқи билан туркиялик олимлар Саадет Чиғатай<sup>10</sup>, Уфук Тафкул<sup>11</sup>, Осман Фикри Сертқая<sup>12</sup>, Акартурк Караҳан<sup>13</sup>, Мустафо Аргуншаҳ ва Ғалип Гўнерлар<sup>14</sup> жиддий тадқиқотлар олиб боришди.

Диссертациянинг «**Кодекс куманикус манбашунослик объекти сифатида**» деб номланган иккинчи бобида ёдгорликнинг асл ҳамда иккинчи нусхаси таркибининг мазмун ва моҳияти ёритилган.

Ёдгорлик асл нусхасининг умумий ҳажми ҳар икки томонига ёзилган 82 кўлём саҳифа (бу ҳозирги 164 бетга тўғри келади)дан иборат. Ёдгорлик

<sup>9</sup> Ligeti L. Prolegomena to the Codex Cumanicus // Codex Cumanicus / Ed. by Geza Kuun. – Budapestini, 1981. 4 p.

<sup>10</sup> <http://dergiler.ankara.edu.tr/dergiler/26/1044/12612.pdf>.

<sup>11</sup> Tavkul U. Codex Cumanicus ve Karaçay-Malkar türkçesi. Türk Dünyası Dil ve Edebiyat Dergisi, – Ankara. (15), Bahar 2003, 45-81.ss.

<sup>12</sup> [http://PhD/Downloads/gt-17-16-tnt-sertkaya%20\(2\).pdf](http://PhD/Downloads/gt-17-16-tnt-sertkaya%20(2).pdf).

<sup>13</sup> Karahan A. Codex Cumanicus'ta hayvan adları. Turkish Studies. Volume 8/1, – Ankara — Turkey. 2013, p.1839-1865

<sup>14</sup> Argunşah. M. Güner. G. Codex Cumanicus, – İstanbul. Kesit Yay. 2015.

даставвал 19,5-20,5 x 12,5-14 см ҳажмдаги қоғоздан ташкил топган. XVIII асрнинг биринчи ярмида реконструкция қилинган ва саҳифанинг емирилган қисмларини тўлдириш мақсадида саҳифанинг барча томонларига эҳтиёткорлик билан оқ қоғоз ёпиштириб чиқилган. Саҳифаларнинг таъмирдан кейинги шакли 21,5 x 15 смни ташкил этади. Муқоваси теридан қилинган. Қўлёзма саҳифалари уч жойидан тикилган. Муқовалаш жараёнида оқ ипдан фойдаланилган ва у 13б ва 14а, 44б ва 45а ҳамда 72б ва 73а саҳифалар орасидан ўтказилган. Унинг 67б, 68а, 76б, 78а ҳамда 79б саҳифалари ёзувсиз – бўш ҳолда қолдирилган.

Ушбу ёдгорлик график ва тил хусусиятига кўра икки қисмга бўлинади. Биринчиси италянча (1-55 бетлар) ва иккинчиси немисча (56-82 бетлар) қисмлардир.

Бу қисмлар уларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда Л.Лигети томонидан мувофиқ равишда «Таржимонлар китоби» ва «Тарғибот китоби» деб номланган<sup>15</sup>.

“Таржимонлар китоби” кўп тилли луғат бўлиб, лотин тилидаги сўзларнинг форсча ва қуманча таржималаридан иборат. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу сўзлар таржимонлик амалиётидаги энг фаол бирликлар сифатида ажратилган. Шунга кўра, айрим тадқиқотчиларнинг ёдгорлик “ёзма эмас, балки оғзаки нутқни акс эттиради”<sup>16</sup> деган таъкидларига қўшилиш ўринли бўлади.

«Таржимонлар китоби»нинг 1а саҳифадан 29б саҳифасигача айрим феълларнинг шахс-сондаги тусланиши, 30а саҳифадан 33а саҳифагача равишлар луғати, 33б саҳифадан 34а саҳифагача кишилик олмошлари луғати берилган. 34б саҳифадан 55б саҳифагача савдо-сотик, кишиларнинг ижобий хислатлари ва салбий хусусиятлари, темирчилик, сартарошлик, ошхона ва ошхона жиҳозлари, ҳайвонлар ва қушларнинг номлари, қимматбаҳо мўйна ва тошлар ҳамда кундалик турмушда фойдаланиладиган буюм ва анжомлар, мева ва сабзавотларга оид сўзлар луғати уч устун шаклида берилган. Луғатнинг биринчи устуни лотин, иккинчи устуни форсча ҳамда учинчи устуни қуманча сўзлардан иборат. Лотин тилидаги сўзлар алифбо тартибида берилган.

Ёдгорликнинг «Тарғибот китоби» қисмидан диний мадҳия ва дуолар, христианликнинг муқаддас китобларидан олинган парчалар, италян монах ва шоирлари (Теофил, Венанций Фортунат, Целий Седулий)нинг шеърларидан парчалар ўрин олган. У диний-илоҳий дуо ва мадҳиялардан ташқари, қуманча-немисча, қуманча-лотинча луғатлардан, қуман тили граматикасига оид изоҳ, энг қадимий туркий топишмоқлар, ҳамда италян шоирларининг диний мадҳияларидан таркиб топган.

“Кодекс куманикус” қўлёзмасининг яна бир нусхаси ҳақидаги фараз бизда қачон ва нима учун пайдо бўлди? Гап шундаки, асл нусханинг биринчи ва охириги саҳифаларига иккита кутубхонанинг муҳри босилган. Уларнинг бири Венеция ва иккинчиси Париж миллий кутубхоналарига тегишлидир. Бу тўғрида Василий Радлов шундай ёзади: – «Қўлёзманинг муқовасида Венеция кутубхонасининг муҳри бор. Аммо унинг ички томонида Париж миллий

<sup>15</sup> Ligeti L. Prolegomena to the Codex Cumanicus // Codex Cumanicus / Ed. by Geza Kuun. – Budapestini, 1981. 7 p.

<sup>16</sup> Абибуллаева С. «Кодекс Куманикус» – памятник тюркских языков конца XIII – начала XIV веков // Культура народа Причерноморья. 2006. 9-бет.

кутубхонасининг муҳри босилган бўлиб, ўз навбатида Наполеон буйруғига биноан барча бошқа қўлёзмалар қаторида ушбу ёдгорлик ҳам Парижга олиб келинган ва у ердан Венеция кутубхонасига қайтариб келинган»<sup>17</sup>.

Биз тадқиқот жараёнида Венеция ва Париж миллий кутубхоналарида қўлёзмани олиб кетилгани ёки олиб келингани тўрисидаги бирон бир қайдни учратмадик. Демак, қўлёзма Наполеон буйруғига кўра эмас, бошқа сабаб билан Парижга олиб келинган. Бу саволга жавобни қўлёзма тадқиқи билан шуғулланган немис шарқшунос олими Юлиус Генрих Клапротнинг монографиясидан топишга муваффақ бўлдик. 1828 йилга келиб қўлёзма филологик нуқтаи назардан Ю.Клапрот томонидан тадқиқ этилган эди. Айни пайтда ушбу тадқиқот фақатгина қўлёзманинг луғат қисми билан чегараланган бўлиб, Ю.Клапрот мазкур тадқиқотни қарийб 4 йил давомида амалга оширган. Унинг таъкидлашича, қўлёзмадаги форсча ва куманча сўзларнинг ўқилиши эмас, балки ундаги сўз бойлиги унга мазкур тадқиқотни амалга ошириши учун туртки бўлган. Шу сабабли у Венециядаги авлиё Марк миллий кутубхонаси кутубхоначиси жаноб Салвидан қўлёзмани қидириб топиш ва ундан нусха олишга ёрдам беришни илтимос қилади.

Бугунги кунда Флоренция шаҳридаги Лоренцо ди Пьеро де Медичи номидаги миллий кутубхонада Ашбурнхем 1584 (Medicea Laurenziana Library, Ashburnham 1584) каталог рақами билан сақланаётган “Лотинча-форсча ва куманча луғат” (**Cod 1584: Vocabulaire Latin Persan et Coman. Arrive a Paris Le 5 november 1824**) Венециянинг Марчана миллий кутубхонасида DXLIX (№549)/1597 каталог рақами билан сақланаётган қўлёзмасининг 1824 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган нусхасидир. Ушбу нусха Клапрот илтимосига кўра, 1824 йилда Венециядаги Марчана миллий кутубхонасида ишлаган Салви томонидан Францияга юборилган ва ундан нусха кўчирилган. Шу тариқа қўлёзма асл нусхасининг биринчи ва охириги саҳифаларида Франция миллий кутубхонасининг муҳри пайдо бўлган.

Диссертациянинг «**Кодекс куманикус**»нинг **график, лексикографик ва семантик тадқиқи**» деб номланган учинчи бобида ёдгорликнинг ёзишда фойдаланилган график белгилар ва ундаги сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари тадқиқотга тортилган.

